60 5.000.000 ТОННА „ОҚ ОЛТИН" ТАЙЁР!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

31 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЯКШАНБА № 248 (2.654). Баҳоси 3 тийин.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ВАТАН СИЗДАН ЯНГИ ЗАФАРЛАР КУТМОҚДА

30 октябрь эрталабигача республика колхоз ва совхозлари давлатга 4.974.829 тонна пахта топширдилар. Машиналар бункеридан бўшатилган пахта 2.648.775 тоннага етди. Ўтган куни 51.472 тонна пахта тайёрланди, унинг 33.821 тоннаси машиналарда териб олинди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕХНАТКАШЛАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТАБРИГИГА ЖАВОБАН ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ҒАЙРАТ-ШИЖОАТНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДАЛАР. «ОҚ ОЛТИН» ЙИҒИМ-ТЕРИМИ СУРЪАТИНИ КУН САЙИН ЮКСАЛТИРАЙЛИК!

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Хоразм области дала меҳнатчилари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарганлик ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 405 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди, гектаридан 39 центнердан хом ашё олинди. Қариб 225 минг тонна пахта терим машиналари ёрдамида териб олинди. Бу ғалабага областнинг барча районлари салмоқли улуш қўшдилар. Гурлан, Хонқа, Хива, Шовот, Янгибозор районлари хўжаликлари оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти.

Юбилей йили «оқ олтин» мавсуми давом этмоқда.

* * *

Республикамиз колхоз ва совхозлари меҳнатчилари ягончка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлатга 391 минг тоннадан зиёд ипак пахта топширилди. Сурхондарё, Навоий ва Наманган областларининг хўжаликлари социалистик мажбурият ҳисобига қимматбаҳо хом ашё топширяптилар. Бухоро ва Қашқадарё областларининг ипак пахта бунёдкорлари дастлабки маррага яқинлашиб қолишди. Сурхондарё области колхоз ва совхозлари 241 минг тоннадан зиёд ипак пахта топшириб, эндиликда камида 300 минг тонналик хирмон яратиш учун курашмоқдалар. Республиканинг бошқа областлари ҳам ипак пахта топширишни бўйича оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди.

ҚҚАССР

Беруний ва Элликқалъа районларидаги 24 та хўжаликнинг ҳаммаси давлатга пахта топшириш планларини ошириб бажаришди. Кейинги кунларда Автоном республиканинг шимолий районлари хўжаликлари ҳам кетма-кет зафар қучишяпти. Ленинобод районидаги «Ленинград» совхози тайёрлов пунктига 6100 тонна пахта топшириб — гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди. Тикланган хирмонинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди, 78 процента машиналарда териб олинди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган самимий табригидан илҳомланган хўжалик коллективи яна 600 тонна «оқ олтин» тайёрлашга аҳд қилди.

Чимбой районидаги Усмон Юсупов номли, Кегайли районидаги Мусо Жалил номли, Хўжайли районидаги «Амударё», совхозлари ҳам йиллик планни уддалашди.

Сурхондарё

Яна уч район пахтакорлари халқ хўжалиги планини шараф билан бажарди.

29 октябрь куни Гагарин области меҳнаткашлари социалистик мажбурият ҳисобига ҳосил топшира бошлашди. **Тайёрлов пунктларига 62,831 тонна «оқ олтин», шу жумладан 50 минг тонна ягончка толали пахта етказиб берилди. Ҳар гектар майдон самараси ўртача 32,1 центнерни ташкил этди.** Машина терими салмоғи 78 процентдан ошди. Гагаринликлар ялпи хирмонни 80 минг тоннага, ипак пахта хирмонини 60 минг тоннага етказишга аҳд қилишди.

Кеча Қумқўрғон области деҳқонлари йиллик план ҳисобига сўнгги тонналарни топширишди. **Районда ялпи ҳосил 42.965 тоннани ташкил этди, унинг 25500 тоннаси ипак пахтадир.** Қумқўрғонликлар ҳосилдорликни 42 центнерга, ялпи хирмонни 52 минг тоннага етказишмоқчи.

Термиз области пахтакорлари йиллик планни уддалашди. **Тайёрлов пунктларига 20,905 тонна хом ашё топширилди. Эндиги марра бу хирмонни 25 минг тоннага етказишдан иборат.**

Бугунгача областда тўртта район, 23 та хўжалик, 120 та бўлим, 1074 та бригада планини адо этди.

Бухоро

Бухоро областида 3 та район, 45 та колхоз, 4 та совхоз, 14 та бўлим, 890 та бригада Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини муносиб қаршилаб, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

29 октябрь куни Қоракўл районидаги «Ўзбекистон» колхози деҳқонлари халқ хўжалик планини бажардилар. **Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги 37 центнерни ташкил этди.** Темир Умиров, Болта Авезов, Иброҳим Ҳамроев бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан ҳосил олинди. Илғор теримчилар Муҳаббат Иринбоева, Ҳамро Очилова, Азиза Зиёдуллаевалар яхши меҳнат қилиб, мавсумда 10—12 тоннадан дурдона териб беришди. Хўжалик меҳнаткашлари яна 660 тонна «оқ олтин» топшириб, ҳосилдорликни 42 центнерга етказишга қарор қилишди.

Ромитан районидаги Ибн Сино номли совхознинг 2-бўлими пахтакорлари социалистик мажбуриятни уддалашди. Тайёрлов пунктига 2645 тонна пахта топширилди. Бўлим коллективи СССР 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилди: унга кўра ҳосилдорлик 50 центнерга етказилади ва қўшимча яна 870 тонна хом ашё топширилади.

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози пахтакорлари халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарди. **10.860 тонна пахта биринчи сортларга қабул қилинди, унинг 75 процента механизациялашган усулда йиғиштириб олинди.**

Пешқу районда биринчи бўлиб «Москва» колхози йиллик топшириқни уддалади. 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил олинди. Ялпи хирмон 4285 тоннага етди. Колхоз меҳнатчилари қўшимча минг тонна пахта топширишга аҳд қилишди.

Кеча Қумқўрғон области деҳқонлари йиллик план ҳисобига сўнгги тонналарни топширишди. **Районда ялпи ҳосил 42.965 тоннани ташкил этди, унинг 25500 тоннаси ипак пахтадир.** Қумқўрғонликлар ҳосилдорликни 42 центнерга, ялпи хирмонни 52 минг тоннага етказишмоқчи.

Термиз области пахтакорлари йиллик планни уддалашди. **Тайёрлов пунктларига 20,905 тонна хом ашё топширилди. Эндиги марра бу хирмонни 25 минг тоннага етказишдан иборат.**

Бугунгача областда тўртта

Наманган

Бадиий буюмлар фабрикаси Чуст области пахтакорларига катта ёрдам кўрсатишяпти. Мавсум бошидан буён ҳар куни район далаларига юздан зиёд одам теримга чиқади. **Илғор коллектив далаларда зарбдорчасига ишлаётганлиги туфайли кунига хирмонга 3,5—4 тоннадан пахта жўнатиляпти. Бу фабрика мавсум бошидан буён қабул пунктларига 280 тоннадан кўп хом ашё юборди.** Корхона коллективи Улуғ Октябрь байрамигача яна 30 тонна пахта териб беришга аҳд қилди.

Андижон

Москва районидаги «Октябрь» колхози пахтакорлари машина терими планини бажардилар. Агрегатлар билан 1060 тонна пахта терилди. Механизаторлардан Садриддин Қодиров, Зоҳир Ғуломиддиновлар юқори кўрсаткичларни қўлга киритишди.

Андижон пахтачилик институтининг ўқув-тажриба хўжалиги коллективи йиллик планни бажарганлик ҳақида рапорт берди. Бу ерда гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Топширилган пахта 540 тоннани ташкил этди. Механизаторлар Маҳмуд Қиргизов, Сурмахон Мамасолиевалар машиналари бункеридан 130 тоннадан пахта теришди. Хўжалик деҳқонлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Андижон авиация техникумининг 700 нафар ўқувчиси пахта теримида Москва области деҳқонларига ёрдам беришяпти. **Бугунгача улар хирмонга 840 тонна пахта топширишди. Кунига 14—15 тоннадан «оқ олтин» териб беришяпти. Раим Зоиров, Лутфулла Зафаров, Қосимжон Маҳмудов ва бошқалар кунига 100 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта теришяпти.** Техникум ўқувчилари мавсумда 1200 тонна пахта теришга аҳд қилган.

Фарғона

Бағдод районидаги «Москва» совхозидан **Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Собиров бошлиқ бригадада 85 гектар майдондан 252 тонна биринчи сорт пахта йиғиштириб олинди.** Ҳосилдорлик 30 центнерга етди. Депутат бошлиқ бригада мажбурият ҳисобига пахта топширишни қизғин давом эттиряпти.

Тошкент

Тошкент шаҳрининг Фрунзе районидаги саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотларининг 2960 нафар меҳнатчиси Оққўрғон области деҳқонларига пахта йиғим-теримида ёрдам беришяпти. **Улар кунига хирмонга 60 тоннагача «оқ олтин» топширишяпти. Мавсум бошидан буён 2000 тонна пахта териб бердилар.**

Навоий

Хатирчи районидаги «Москва» колхозидан **15-мактаб ўқитувчиси У. Усмонова 14 тонна пахта териб берди.** Илғор теримчи яна 3 тонна дурдона теришга аҳд қилган.

Шу райондаги Чкалов номли колхоз ветеранлари М. Асатуллаев ва Х. Алимовлар кексайганларига қарамай шу кунларда далада ҳиммат кўрсатишяпти. Улар кунига 40 килограммгача пахта теришяпти. Отахонларнинг ҳар бири мавсумда камида 2 тонна пахта теришга сўз берган.

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,24	107,11	—	103,13
Хоразм	0,69	99,64	1,06	88,59
ҚҚАССР	0,83	96,66	0,60	82,65
Бухоро	0,86	94,50	0,53	38,82
Навоий	0,81	88,55	0,96	63,11
Сурхондарё	0,72	86,25	0,22	55,27
Сирдарё	0,70	81,35	0,37	81,65
Жиззах	1,01	78,30	0,42	72,40
Қашқадарё	1,16	77,91	1,40	62,89
Наманган	0,76	76,19	0,68	50,90
Андижон	0,93	76,13	1,30	57,23
Самарқанд	1,25	76,06	1,83	65,78
Фарғона	1,16	73,48	1,77	57,52
Республика бўйича	0,87	84,46	0,86	67,57
Шу жумладан ягончка толали пахта.				
НАВОИЙ	0,89	125,26	1,22	94,60
НАМАНГАН	1,24	123,30	1,46	37,63
СУРХОНДАРЁ	0,98	105,07	0,43	81,59
Бухоро	2,42	94,40	3,42	22,85
Қашқадарё	1,77	88,38	1,77	55,24
Республика бўйича	1,30	100,37	1,05	70,12

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТАЙЁРЛОВ, ТРАНСПОРТ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САВДО ҚОРХОНАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТИНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

ЕТИШТИРИЛГАН ҲАММА МАҲСУЛОТНИ САҚЛАБ ҚОЛАМИЗ ВА ХАЛҚ ФАРАВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНАМИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

Ҳурмат тахтаси

Пахта тайёрлаш планини ликлари учун қуйидагилар ёзилсин:

Хоразм области. Область партия комитетининг секретари ўртоқ **Худойберганов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Сапаев,** область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бегимов,** «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ **Жуманиёзов,** «Сельхозтехника область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Рузметов,** область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ишчанов,** қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ **Абдуллаев,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдуллаев.**

Гагарин области — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Муродов,** район ижроия комитети раиси ўртоқ **Қувондиқов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жумаев,** район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ **Отамуродов,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шайматов,** қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ **Тоғаев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Холмонов.**

Қумқўрғон области — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Алматов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Жумаев,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Холматов,** район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ **Чўтбоев,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шайматов,** қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ **Абсахатов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Баратов.**

Термиз области — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Норқобилов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Саъдуллаев,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бобомуродов,** район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ **Утанов,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Уразов,** қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ **Боймиров,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Чоршанбиев.**

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Кипр Республикасининг Президенти Спирос Киприану 29 октябрь куни Москвадан Ригага жўнаб кетди. У СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан амалий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Аэродромда С. Киприануни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР КЎПАЙТИРИЛСИН

Давлатга дон, сабзавот, картошка, хўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планлари муваффақиятли бажарилиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси Ўзбекистон меҳнаткашлари қалбида қизғин акс садо берди. Республика деҳқонлари, барча меҳнатчилари ўз меҳнатларига берилган юксак баҳога жавобан қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, саноат, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги марраларга эришишга азму қарор берганлар. Улар Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасига бағишланган кўп кишилик митингларда шу гапни айтмоқдалар.

НАВОИЙ

Партиянинг деҳқонларга қилаётган ғамхўрлиги ва эътиборига зарбдор меҳнат билан жавоб берамиз! Республика давлатга дон, мева, сабзавот, узум ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини сотиш планини муддатидан илгари бажарганлиги муносабати билан бу ерда ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланиб ўтказилган митинг қатнашчилари шундай дейишди.

Митингни Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин очиб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиб эшиттирди. Митингда ҳозир бўлган кишилар табрикномани гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар.

Нотиқлар ёш Навоий областининг деҳқонлари ҳам республика қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнатдаги ғалабасига ҳисса қўшганликларини уқтириб ўтдилар. Улар кўпгина турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планларини анча ошириб бажардилар. Умумиттифоқ фондига сабзавот ва мева жўнатиш топшириқлари муваффақиятли бажарилди.

Нотиқлар келгуси йилда ўз олдиларида турган янги масъулиятли вазифаларни бажаришга қаттий бел боғлаганликларини изҳор этдилар. Дон етиштиришни икки ҳисса кўпайтириб, унинг ялпи ҳосилини 120 минг тоннага етказиш лозим. Бунга эришиш йўли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлашдан, далалар, боғлар, токзорлар ҳосилдорлигини оширишдан, суғориладиган ҳар гектар ернинг самарадорлигини муттасил кўпайтиришдан иборат. Ўроқ ва болғанинг метин иттифоқини янада мустаҳкамлаш, саноат корхоналари ва қишлоқлар коллективларининг қишлоқ меҳнатчиларига оталик ёрдамини кучайтириш янги муваффақиятларга эришишга ёрдам беради.

Ҳозир областнинг барча меҳнаткашлари «оқ олтин» ҳосилини ўз вақтида ва ҳеч нобуд қилмай йиғиб-териб олишни, давлатга пахта сотиш юзасидан юбилей йили плани ва социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашни, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки дала ишлари комплексини намунали ўтказишни кўзлаб яшаётганликлари митингда таъкидлаб ўтилди.

ЖИЗЗАХ

Жиззах областининг қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари илғорлари, партия, совет, касаба союз, комсомол активлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнатчиларига йўллаган табрикномасига бағишланган митингга тўпландилар.

Митингни Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Бойметов очди. У ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиб эшиттирди. Митинг аҳли табрикномани қизғин қарсаклар билан қутиб олди.

Қўриқ Жиззах областининг барча меҳнаткашлари республика деҳқонларининг меҳнатига берилган юксак баҳони коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг республика аграр-саноат комплексини ривожлантириш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлигини кўрсатувчи яна бир далил деб қабул қилганликларини митингда сўзга чиққан нотиқлар уқтириб ўтишди. Дон, мева-сабзавот, бошқа экинлар маҳсулотини давлатга сотиш топшириқлари муваффақиятли бажарилганлиги билан изҳор этилган саминий қутловларга жавобан область деҳқонлари ўз кучғайратларини КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, мамлакатнинг озиқ-овқат программасини амалга оширишга сарфлайдилар, дейишди улар.

Жиззах дала меҳнатчилари бу йил мамлакатга 60 минг тоннадан кўпроқ дон, чорак миллион тонна сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум бердилар. Нотиқлар областда мана шу маҳсулотларни етиштиришни анча кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар борлигини таъкидладилар.

Шу кунларда, дейишди нотиқлар, асосий диққат-эътибор пахта териш кампаниясини муваффақиятли якунлашга қаратилган. Жиззах деҳқонлари мураккаб шароитларда пахта териш соҳасида бой тажриба ортирганлар. Қуздаги ёғин-сочин ҳам уларнинг давлатга қўрик «оқ олтини»ни сотиш юзасидан олган юксак мажбуриятлари сўзсиз бажарилишига халақит бера олмайди.

Митинг қатнашчилари партия ишига астойдил содиқликларини, ўн биринчи беш йиллик планнинг ҳамма режаларини бажаришга азму-қарор берганликларини изҳор қилдилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуродов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров қатнашдилар.

БУХОРО

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси Бухоро областининг дала ва фермалари, завод ва фабрикалари меҳнатчилари кучига куч қўшди. Область марказида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Табрикнома текстини қизғин қарсаклар остида Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнат зафарларида Бухоро области деҳқонлари қилган меҳнатнинг ҳам ончагина улуши борлиги тўғрисида фахрланиб гапирдилар. Қишлоқ меҳнатчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бирталай муваффақиятларга эришдилар. Бу йил давлатга 51 минг тонна дон сотилди, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Қоровулбозор, Жилвон, Варахша массивларида ва бошқа массивлардаги ҳувуллаб ётган ерларни ўзлаштириш ҳисобига дон, сабзавот, мева етказиб бериш йил сайин кўпаяверади. Далаларнинг сув таъминотини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида анчагина иш қилинмоқда.

«Оқ олтин» учун курашнинг долзарб палласи бошланган шу кунларда қишлоқ меҳнатчилари етиштирилган жамики пахта ҳосилини ҳеч нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун зўр уюшқоқлик, камарбасталик, сабр-матонат кўрсатишлари зарур, дейишди нотиқлар.

Митинг қатнашчилари шуни билдирдиларки, область меҳнатчилари юбилей йили план ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар. Бухоро деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планини Улуғ Октябрнинг 65 йиллигигача бажариб, Ватанга топшириққа қўшимча равишда бир неча ўн минг тонна «оқ отин» беришга аҳд қилганлар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов иштирок этди.

АНДИЖОН

Андижондаги колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари коллективларининг юзлаб намояндалари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган табрикномасига бағишланган митингга келдилар.

Митингни Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов очди. У ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини қизғин қарсаклар остида ўқиб эшиттирди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар республика деҳқонларининг муваффақиятлари учун фахрланиш туйғуси тўғрисида, Леонид Ильичнинг табрикномаси таъсири ҳам зўр сабот билан унумли ва самарали меҳнат қилиш мажбуриятини зиммага юклаши ҳақида гапирдилар. Дон, сабзавот, картошка, мева, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини кўпайтиришга ҳисса қўшиш учун анчагина иш қилган андижонликлар ихтиёрида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш учун бирталай имкониятлар бор.

Пахтазорлардаги қизғин иш шу кунлардаги асосий вазифа эканини нотиқлар уқтириб ўтишди, Республика деҳқонларининг меҳнатига берилган юксак баҳога жавобан ҳар қандай об-ҳаво инжиқликларига қарамай бутун куч-ғайратни ишга солиш, «оқ олтин» терими суръатларини бўшаштирмаслик зарур. Давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак мажбуриятлар бажарилиши мумкин ва лозим.

Митинг қатнашчилари барча андижонликларни СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини иқтисодиёт ва маданиятни равнақ топтириш учун курашнинг ҳамма соҳаларида янги ғалабалар йилига айлантиришга чақирдилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов иштирок этди.

ГУЛИСТОН

Сирдарё областининг меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика деҳқонлари муваффақиятларига юксак баҳо берганлигини завқ-шавқ билан қутиб олдилар. Бу ерда бўлиб ўтган область меҳнатчилари вакиллари митингининг қатнашчилари Леонид Ильич Брежнев табрикномасини қарсаклар билан қутиб олдилар, табрикномани Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров ўқиб эшиттирди.

Митингда сўзга чиққан кишилар Мирзачўл деҳқонлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб бу йил давлатга 67 минг тонна дон, шу жумладан 37 минг тоннадан кўпроқ маккажўхори дони ва 20 минг тоннадан зиёд шоли сотганликларини айтиб ўтдилар. Давлат 193 минг тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари олди.

Нотиқлар областнинг 420 минг тонна пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун ҳаҳрамонона кураш олиб бораётганликлари тўғрисида гапирдилар. Бу фидокорона меҳнатда саноат корхоналарининг оталиқ коллективлари, Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари самарали ёрдам бермоқдалар. Чўлқуварлар об-ҳаво шароити ноқулай келишига қарамай, жамики «оқ олтин»ҳосилини сўнгги чаноғигача териб олиб давлат хирмонига юқори навлар билан топширакларига аминдирлар.

Сўзга чиққан кишилар республика деҳқонларининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун ўртоқ Л. И. Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этиб, меҳнат коллективлари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга, республика экономикасини ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишга, меҳнатда янги муваффақиятларга эришишга азму қарор берганликларини таъкидладилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Т. Г. Зиннин иштирок этди.

Митингларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўллаб, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришиш учун бутун кучни ишга солишга, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ваъда бердилар. (ЎзТАГ).

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида маъқулланган СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси бунинг ёрқин намунасидир. Бугунги кунда барча совет кишилари қаторида министрлигимизнинг кўпмияг сонли коллективи ҳам Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишки билан яшаб меҳнат қилмоқда.

Маълумки, автотранспорт ҳалқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири. Бинобарин, ҳалқ хўжалиги юкларининг аксарияти автотранспортда ташилаётганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Шу боис Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишда авторанспорт ходимларининг роли ҳам бениҳоя катта. Министрлигимизга қарашли барча автохўжаликларнинг коллективлари юбилей йилида ўз зиммаларидаги ана шу юксак масъулиятларни ҳис этган ҳолда астойдил меҳнат қилишмоқда.

Шуни эътироф этиш лозимки, республикамиз агросаноат комплексида автотранспортнинг ўрни унинг қишлоқ хўжалиги экономикасига боғлиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Иттифоқимизнинг асосий пахта базаси ҳисобланади. Шунингдек, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари республикамизда ҳар йили 100 минг гектарга яқин қўрик ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилмоқда. Бу ерларда ўнлаб совхозлар ташкил этиляпти. Уларнинг аксарияти эса темир-йўл шахобчалари етиб бормаган. Шу сабабли бу жойларда юк ташишнинг асосий воситаси автотранспорт ҳисобланади.

Шу ўринда умумий фойдаланишдаги автотранспортнинг тез суръатларда ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Фақатгина ўнинчи беш йилликда автотранспортнинг бу соҳасида икки баравар ўсишга эришилди. Умумий фойдаланиш транспорти 4,5 минг корхонага, 64 та министрлик ва идораларга хизмат кўрсатмоқда. Республикамиздаги ҳалқ хўжалиги юкларининг 30 процентини манзилга етказиб бермоқда. Айни пайтда кунига 1,2 миллион тонна юк ҳамда 6 миллионга яқин йўловчи ташиляпти.

Ўн минглаб ҳайдовчилар республикамизнинг улкан қурилиш объектларида меҳнат қилишяпти. Туямўйин гидроузели, Толлимаржон, Зомин, Қоратепа, Ҳисорак, Ҳожимушкент сув омборлари, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ металлургия комбинати каби объектлар ана шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалик ходимлари ва автотранспортчиларнинг ҳамиша ўзларининг энг яқин ҳамкорлари деб биладилар. Бу бежиз эмас албатта. Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини омборларга, қайта ишлаш корхоналарга ва жойларга этишда автотранспортчиларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб келмоқдалар. Улар ҳар йили 3600 минг тоннага яқин пахта, 2,1 миллион тонна чигит, 2,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, 1,2 миллион тонна дон маҳсулотларини белгиланган жойларга этиб беришмоқда. Бошқачароқ ибора билан айтганда жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 70 процента автотранспорт ходимлари қучи билан ташиляпти.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида агросаноат комплекси тармоқларини транспорт билан таъминлаш Озиқ-овқат программасини амалга оширишдаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу ўз навбатида министрлигимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада министрлигимизга қарашли барча автохўжаликларнинг коллективларида бир қатор тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Етиштирилган маҳсулотларни тезроқ, энг қулай йўл билан манзилга етказиш, юкларни ортиш ва туширишишларини механизациялаштириш, кўп юк кўтарадиган автопоездлардан самарали фойдаланиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз «оқ олтин»и 1800 та пахта ташишга ихтисослаштирилган автопоездлар ёрдамида жойларга етказиб берилмоқда. Чигитлар ҳам махсус транспорт ёрдамида ташиляпти. Галлани ташишга ихтисослашгантирилган самосваллар ёрдамида ҳар йили неча ўн минг тонналаб маҳсулот белгиланган жойга етказиб берилляпти. Умуман министрлигимиз ходимлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етиштирган маҳсулотларнинг сифатини бузмасдан, тезроқ жойларга етказиб бериш учун бутун чора-тадбирларни кўришмоқда.

Бугунги кунда йўловчиларни вақтида манзилга етказиш ҳам бизнинг ишимизда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, қишлоқ аҳолисини бир пунктдан иккинчи пунктга олиб бориб қўйишда графикнинг бузилишига йўл қўймаслик лозим. Бу борада иш қанчалик пухта ташкил этилса, деҳқонларимизнинг иши янада унумли ва самарали, кайфиятлари эса яхши бўлиши табиий.

Сўнгги йилларда қишлоқ меҳнаткашларига автотранспорт хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда республикамиздаги 1677 та колхоз ва совхозларнинг 1606 тасида автобус маршрутлари мавжуд. Шунингдек, қишлоқларда 89 та катта автостанция ишлаб турибди.

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ аҳолисига транспортмаиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйила бошлаган эди. Айни пайтда ҳар йили қишлоқ меҳнаткашларига бу борада 9,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилмоқда. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Қишлоқ аҳолисига транспорт—маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун ҳали кўп ишлар амалга оширилиши лозим.

Бугун Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг кўпминг қишлик коллективи ўзларининг аҳ ўнинг ибратли байрамларини катта меҳнат ютуқлари билан қаршиламоқдалар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига ошрилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган ҳолда астойдил иш юритаётган автотранспортчиларимиз юбилей йилининг тўққиз ойлик планини барча асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб уддалашди. Шу даврда планга қўшимча равишда 20,5 миллион йўловчи манзилга етказилди. 4,4 миллион тонна ҳалқ хўжалик юклари ташилди. 378 минг сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари реализация қилинди.

Ҳали олдинда катта вазифалар турибди. Ўн биринчи беш йилликда юк ташиш ҳажми 51 процентга кўпайиши лозим. Шунингдек, қишлоқ жойларда 290 та автобус маршрутлари очиш, аҳолига транспорт—маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 156 та қабул пункти ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 19—20 процентга ошириш, 450 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш, жумладан 71,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш каби тадбирлар ҳам белгиланган. Албатта белгиланган тадбирларнинг барчаси республикамизда автотранспорт хизматини янада яхшироқ йўлга қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қатори министрлигимизнинг автотранспортчилари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини зарбдорчасига якунлаш, СССРнинг тоғли юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини, билим ва тажрибаларини ишга соладилар.

Ш. НИЁЗБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрининг ўринбосари.

«Джизакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли 9-автокомбинат коллективи ўзларининг анъанавий байрами — Бутуниттифоқ автомобиль транспорти ходимлари кунини меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Автокомбинат ишчилари юбилей йилининг ўтган ўн ойлик планини барча асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб адо этишди. Эришилган бу муваффақиятларга автокомбинатнинг Анорбой Ўрозбоев, Ҳаким Қаюмов, Йўлдош Асқаров, Турғун Раҳматуллаев каби ҳайдовчилари катта ҳисса қўшдилар. Бу пешқадам ҳайдовчилар шу кунларда ҳам белгиланган топшириқларини 125 — 140 процентга адо этишиб, ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Джизакстепстрой» бошқармасига қарашли автомобиль транспорти бошқармасининг бош муҳандиси М. Йўлдошев, (чапдан-ўнгга) автокомбинат бошлиғи С. Хўжабеков, илғор ҳайдовчи А. Аҳмедов ва 1-колонна бошлиғи Т. Кенжаевлар. 2. Беш йиллик планини уч йилда бажаришга аҳд қилган автокомбинатнинг илғор ҳайдовчиси Ш. Сулаймонов.

Ж. Тўраев фотолари.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ОЛТИ ГАЗЕТАНИНГ ҚЎШМА СОНИ

Пахтакорларнинг доно маслаҳатчиси, қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневнинг республикамиз давлатга дон, мева ва сабзавот маҳсулотлари сотиш планларини бажарганлиги муносабати билан йўллаган табрикномасидаги самимий дил сўзлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбидан чуқур жой олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига, юксак маррани забт этишга — 6 миллион тонналик Ўзбекистон «оқ олтин»ҳирмонини бунёд этишга чорламоқда.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда», «Сирдарё ҳақиқати» ва «Сырдарьинская правда» газеталарининг умумхалқ байрами —Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги арафасида чиққан ўз қўшма сонлари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг зарбдор вахтасига, «Уроқ ва Болға» бузилмас иттифоқига бағишланди.

Газеталарнинг саҳифаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари, Ленин мукофоти лауреати Т. Б. Боймиров, Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуровнинг мақолалари эълон қилинган.

Шу кунларда Тошкент матбуот маркази сайёр бригадаси составида пахта далаларида ҳозир бўлган машҳур газеталар махсус мухбирларининг мақола ва репортажларида тиғиз йиғим-терим мароми ҳақида, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг бригадаларидаги куч-ғайратлари билан пахтазорлардаги ғалабалар қандай таъминланаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бу республика меҳнаткашларининг умумхалқ байрами —СССР 60 йиллигига муносиб совғаси бўлади. «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг директори И. Мусин, «Ташсельмаш» заводининг директори О. Новицкий, Г. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилик институтининг директори С. Мирҳамедов ва бошқалар ўз мақолаларида пайтахт коллективларининг республика деҳқонлари билан мустаҳкамланиб бораётган ҳамдўстлиги ҳақида ҳикоя қиладилар.

Ҳар олти газета чиройли безатилган бўлиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг янги офсет боса цехида босиб чиқарилган.

ЧОРВАГА ҲАМ ПАХТАДЕК ЭЪТИБОР

ОЗУҚА ДАЛАСИ: РЕЗЕРВ ВА ИМКОНИЯТЛАР

Жиззах районидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига фидокорона меҳнат қилиш билан жавоб беряпти-лар. Хўжаликда шу йилнинг ўзидаёқ анчагина ютуқлар қўлга киритилди, ҳар юз бош совлиқдан 145 тадан қўзи олинди. Пиллакорлар ва ғаллакорлар мўл дон ва «қумуш тола» хирмонларини яратишди.

Сабзавоткорлар ва боғбонлар ҳам хўжалик йилини зарбдорчаенга якунлашяпти. Колхоз шу йилнинг сентябрь ойи якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва республика ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини яна қўлда сақлаб қолди. Юксак мукофот деҳқонларни янги меҳнат жасоратларига илҳомлантириб юборди. Улар қисқа муддатларда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, ҳар гектар майдон самарадорлигини 45 центнерга етказиш ишқида меҳнат қилишяпти.

Йиғим-терим авжига чиққан шу кунларда озуқа тайёрловчилар беданинг олтинчи ўримига киришдилар. Ўрим аниқ белгиланган муддатда бошланди. Колхоз озуқакорлари бу йилги ноқулай шароитга қарамай мавсум бошидан бўён бир ярим йиллик миқдордаги пичан ва силос жамғариб қўйдилар. Беда ҳосилдорлиги ўтган йилдагидан 15 центнер ва маккажўхори ҳосилдорлиги 20 центнер кўп бўлди. Лавлаги ҳосилдорлиги эса 150 центнерга ошди.

Хўш, ютуқларнинг сири нимада? Хўжалик мутахассислари ана шу ҳақда сўз юритишди:

Икром КАМОЛОВ, бош агроном:

— Жамоат чорвачилиги учун ажратилган озуқа даласи 800 гектардан иборат. Унинг 400 гектарида беда, 370 гектарида маккажўхори, 15 гектарида лавлаги етиштирдик. Бундан ташқари такрорий ва оралиқ экинларга ҳам эътиборни қаратяпмиз. Агар бундан уч йил муқаддам ана шу ерлардан ҳар бош шартли мол ҳисобига 20—22 центнер озуқа бирлиги етиштирган бўлсак, энди бу кўрсаткич 28 центнергa етди.

Биз маккажўхори даласида катта резервни кўрамиз. Бу экин чинакамига пахлавон. Икки йил давомида колхоз «қаҳрабо дон» бунёдкорлари унинг ҳосилдорлигини 28 центнерга кўпайтирдилар. Тажриба шуни кўрсатдики, хўжалигимиз далаларида 100 центнерлик марранн эгаллаш мумкин. Бунинг учун нима қилиш керак? Маккажўхори уруғини эрта муддатларда —апрелнинг бошида экамиз. Бу мўл кўк поя ва сердон сўта олиш имконини беради. Ўрим-йиғим тугаган заҳоти шу майдонларга яна силосбоп маккажўхори экамиз. Бир даладан икки марта ҳосил олиш сут етиштиришни 20 процент ва гўшт етиштиришни 12 процент кўпайтириш имконини беради.

Тажрибада шунга ишонч ҳосил қилдикки, ем-хашак сифати кўпроқ ўрим-йиғим муддатларига боғлиқ. Биз суғориладиган майдонлардан ташқари лалмикор ерлардаги ўт-ўланларни ҳам ўз вақтида ўриб олишни таъминлаймиз. Бизда апрель ойи охирламасдан беда ўримини бошлаш қийин бўлмоқда.

Ўтган йили беданн олти марта ўриб олдик: гектаридан 210 центнердан пичан йиғиштирдик. Бу йил эса ана шу кўрсаткични 230 центнерга етказиш учун барча имкониятларга эгамиз. Илгари ўрим-йиғим муддатларини озгина ўтказиб юбориш ҳам беданинг тўйимлилигини камайтирган экан. Энди эса фурсатни қўлдан бой бермаяпмиз.

Ўримлар ўртасидаги муддатни уч кунга қисқартирдик. 400 гектар майдондаги беда ўримини беш иш кунида ўтказамиз. Ўримдан сўнг далани бороналаб, минерал ва органик ўғит соламиз, сўнгра сув берамиз. Бедани ўз муддатида ўриб олиш ҳисобига гектар бошига қўшимча 1,5 центнердан протеин оламиз, бу чорвачилик маҳсулотига ўтирганимизда 10 центнер сут демакдир.

Мария Васильевна ВЕТЧАНОВА, сут соғувчи:

— Колхозимизда 1967 бош қорамол бўлиб, унинг 530 боши сигирдир. Бундан ташқари 1760 бош қўй, 820 бош чўчқа, 5700 та парранда, 460 та от боқилади. Уларни қишловдан соз ўтказиш учун етарли миқдорда силос, беда пичани, ўт талқони ваем запаси жамғарилган. Мутахассисларимиз 15 ноябрдан то 15 мартгача сигирларнинг қишки озуқа рационини тузиб қўйишди. Ҳар бош молга суткасига 12,5 килограммдан пичан, 5 килограммдан силос ва 10 килограммдан ҳашаки лавлаги, 2 килограммдан концентрат озуқа берилади.

Ферма коллективи қишлов даврида ўтган қишловдагига нисбатан сут етиштиришни 14 процент кўпайтиришга аҳд қилган. 1 центнер ўғит таннархи 12 процент, маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқа сарфи эса 8 процент камайтирилиши кўзда тутилган.

Шу кунларда фермага узлуксиз кўк озуқа келтирилляпти. Бу 15 ноябргача давом этади. Беданинг олтинчи ўрими кўк ҳолича едирилади. Март ойининг охирларида эса сигирларимиз оралиқ экинлардан олинган кўк озуқадан баҳраманд бўлишади.

Фермамиз коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада турибмиз. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планини 18 декабргача бажаришга ва пландан ташқари 150 тонна сут, 20 тонна гўшт ва 5 минг донадан зиёд тухум сотишга, ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 3200 килограммга етказиш учун курашмоқда.

Мирза СУЛТОНОВ, колхоз партия комитети секретари:

— Дарҳақиқат, ўтган уч йил мобайнида чорвачиликда туб ўзгаришлар рўй берди. Ҳар бош сигирдан олинадиган сут 500 килограммга кўпайди, гўштга топшириладиган қорамолнинг тирик вазни 350 килограммдан 420 килограммга қўтарилди. Бунда ферма партия группасининг, барча чорвадорларнинг ҳиссаси бор. Илгари икки йиллик план миқдорида озуқа яратиш мажбурияти қабул қилинарди, февраль ойи тугагач, молларга бериладиган ем-хашакнинг таги кўриниб қоларди.

Озуқа етиштиришнинг аҳволини тубдан ўзгартириш таклифи киритилди. Озуқакор бригадаларга тажрибали деҳқонлардан Ҳазрат Муртазақулов, Саъдулла Аҳмедов, Сарабек Каримовлар бошчилик қилишди. Колхоз правленнеси ва партия комитетининг қарорига кўра озуқа етиштириш мустақил тармоққа ажратилди. Унга олий маълумотли мутахассис Риёт Тошпўлатов бош этиб тайинланди. Комплекс механизациялашган отрядга етарли миқдорда техника, кадрлар ажратилди.

Озуқа етиштиришни ихтисослаштириш, ем-хашак экинлари структурасини такомиллаштириш, серҳосил, такрорий ва аралаш экинларни жорий этиш ем-хашак етиштиришни кескин кўпайтириш имконини берди. Партия ташкилоти барча механизаторлар ем-хашак тайёрлаш планини ошириб бажаришдангина эмас, балки уни сифатли адо этишдан манфаатдор бўлишлари ҳақида жон куйдирди.

Яқинда бўлиб ўтган партия комитетининг ҳисобот-сайлов йиғилишида йиловларнинг аҳволини яхшилаш ҳақидаги масала кўтарилди. Бизда 300 гектардан зиёд лалмикор майдон бор. Бу ерлар йилдан-йилга кам ўт беряпти. Эндиги вазифа лалмикор майдонларни азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантириб маҳсулдорликни оширишдан иборат.

Ҳозир барча фермаларда биноларни, озуқа цехларини сифатли ремонт қилиб қўйдик, ахир чорвадор учун синов — қишлов бошланаб деб қолди.

Суҳбатни «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Р. ГАБДУЛҲАҚОВ олиб борди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ ТАЪМИНЛАНСИН

Уртоқ Л. И. Брежневнинг Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти раҳбар состави кенгашида сўзлаган нутқи ҳамда Кремлдаги знёфатда Л. И. Брежнев билан Кипр Президенти С. Киприану сўзлаган нутқлар дунёда зўр қизиқиш уйғотди. Чет эл оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқининг тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, ядро уруши хавфининг олдини олиш, ер курасининг турли районларидаги кескинликни камайтириш соҳасидаги энг муҳим масалалар юзасидан ўтказаётган изчил ва барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган снёсатини таъкидлаб ўтмоқдалар.

Совет—Кипр музокаралари Кипр матбуотининг диққат марказида турибди. «Элефтеротипия» газетаси президент С. Киприану Москвада самимий кутиб олинганини қайд этади. Л. И. Брежнев ўз нутқида Совет Иттифоқи Кипр Республикасининг мустақиллиги, территориал бирлигини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келганлигини ва ҳозир ҳам қўллаб-қувватлаётганлигини, унинг қўшилмаслик снёсатига ҳурмат билан қараётганини таъкидлаб ўтди, деб ёзади сўнгра газета. СССР Ўрта денгизда хавфсизликни мустаҳкамлашдан ва бу районни мустаҳкам тинчлик ҳамда ҳамкорлик зонасига айлантиришдан бевосита манфаатдордир.

Л. И. Брежнев ҳарбий бошлиқларнинг кенгашида сўзлаган нутқида АҚШ ҳарбий тайёгарликларининг интенсивлик даражаси мислсиз ошиб бораётганлиги бутун дунёга хавф солаётганини таъкидлади, — деб ёзади Чехословакиядаги «Руде право» газетаси.

Рейган маъмурияти ўз иттифоқчиларига СССРни ва бошқа социалистик мамлакатларни иқтисодий қамал қилиш снёсатини тиқиштирмоқда, дунёда социализмни ўзларининг бирдан-бир таянчи, деб билаётган барча тараққийпарвар ва революцион кучларга қарши психологик уруш олиб бормоқда. Аммо ана шу машъум планларнинг ҳаммаси мағлубиятга маҳкумдир. Совет Иттифоқининг куч-қудрати етарли эканини, унинг Қуролли Кучлари — тинчлик ва хавфсизликнинг қудратли омили, агрессив кучларни тийиб туришнинг ишончли воситаси эканини Л. И. Брежнев яққол кўрсатди, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси.

Хитойдаги «Жэньминь жибао» газетаси Синьхуа агентлигининг Москвадан берган қуйидаги хабарини эслон қилди: Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти раҳбар составининг Кремлдаги кенгашида Л. И. Брежнев ҳозирги вақтдаги халқаро вазият ҳали ҳам мураккаб бўлиб қолмоқда ва Совет Иттифоқи ўз мудофаасини мустаҳкамлаши лозим, деб таъкидлади. Ўз нутқида Л. И. Брежнев АҚШни халқаро кескинликни кучайтиришда, шу пайтгача мисли кўрилмаган қуролланиш пойгасини авж олдиришда айблади. Европада Американинг ўртача олисликка учадиган ядровий воситаларини НАТО мамлакатларида жойлаштириш амалий тайёргарлик давом этмоқда, деди у. Исроилнинг Ливандаги агрессиясида америкаликларнинг қўли бор. Агентлик Л. И. Брежнев нутқининг Совет—Хитой муносабатларига таллуқли қисмини тўла-тўкис эълон қилди.

Л. И. Брежнев, деб ёзади «Крисчен сайенс монитор» газетаси, СССРнинг кескинликни юмшатишга ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга содиқлигини таъкидлади. Совет Раҳбари Европада Американинг ўртача олисликка учадиган воситаларини НАТО мамлакатларида жойлаштиришга амалий тайёргарлик давом этаётганини уқтириб, Совет Иттифоқи кучлар нисбатининг АҚШ фойдасига ўзгартирилишига йўл қўймайди ва ўзини ғафлатда қолдирмайди, деб тушунтириб берди.

Совет раҳбари, деб ёзади Англиядаги «Гардиан» газетаси, Совет Иттифоқи ташқи снёсатининг муҳим жиҳатларини баён этди ҳамда Американинг ядро қуролидан Ўрта денгиз ва Яқин Шарқ мамлакатларига нисбатан дўқ-пўписа қилиш учун фойдаланиши мумкин, деб огоҳлантирди.

(ТАСС).

КООПЕРАТИВ ХЎЖАЛИКЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС). Эфиопияда кенг қулоч ёзган кооператив ҳаракатини янада ривожлантириш мамлакатда социалистик жамият асосларини яратиш, Эфиопия халқ турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Умумэфиопия деҳқонлар уюшмасининг раиси Абдулла Сонесса «Эфиопиэн гераль» газетаси мухбири билан суҳбатда ана шуни маълум қилди.

Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади у, мамлакат қишлоқ аҳлини кооперативлаштиришда аниқ муваффақиятларга эришди. Деҳқонларнинг ишлаб чиқариш кооперативлари революцион ҳукумат ёрдамида тез суръатлар билан кўпаймоқда. Бу кооперативларда меҳнатнинг илғор методлари кенг қўлланилмоқда, замонавий қишлоқ хўжалик техникаси ишлатилмоқда. Энди трактор ва комбайнларни коллектив хўжаликларнинг далаларида кўплаб учратиш мумкин.

Мамлакатда миллий демократик революция ғалаба қозонганидан сўнг ўтган йиллар кооперативлаштириш —қишлоқ хўжалигини социалистик йўллан ривожлантиришда ҳал қилувчи омил эканлигини яққол исботламоқда, деб таъкидлади Абдулла Сонесса. Шунинг учун ҳам Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилоти комиссияси қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш-га, қишлоқда ўз-ўзини бошқариш органлари —қишлоқ уюшмаларини қайта ташкил этишга катта эътибор бермоқда.

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Бу ерда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг 10-пленуми бўлиб ўтди. Пленум 1983 — 1985 йилларда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг туб проблемалари тўғрисида ПБИП Марказий Комитетининг Снёсий бюроси ҳавола этган докладни муҳокама этди.

Пленум ПХРни ривожлантиришнинг туб социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишда партия органлари ва ташкилотларининг вазифалари тўғрисида, шунингдек ёқилғи-энергетика тармоқларини ривожлантириш ва денгиз хўжалигини ривожлантириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилди.

Пленум В. Свиргоняни ПБИП Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленумда ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ярузельский якунловчи нутқ сўзлади.

ПХР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг ҳукумати АҚШ президенти Р. Рейганнинг Польша билан савдо-сотиққа энг кўп қулайлик яратиш режимини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорини Шарқ билан ғарб ўртасидаги ҳамкорликни чеклашга, халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилган муҳолифлик снёсатида навбатдаги бир қадам деб баҳолади.

Польша ҳукумати, деб уқтирилади ПХР ҳукуматининг бу ерда ПАП агентлиги тарқатган баёнотида, Американинг дўқ-пўписа ва зўрлик ўтказиш снёсатини, шунингдек ҳукм ўтказиш йўлидаги уринишларини қатъиян рад қилади. ПХР ўзининг ички проблемаларини ҳал этишда поляк халқининг ва Польша давлатининг манфаатларигагина амал қилаётганини Польша ҳукумати яна бир карра таъкидлайди. Польша-Америка муносабатларининг ёмонлашуви учун бутун масъулият Қўшма Штатлар ҳукуматининг зиммасига тушади.

Мана шу қарор, шунингдек бошқа камситувчилик чоралари, жумладан балиқ овлаш квотаси бекор қилинганлиги, авиация қатновни тўғрисидаги битим узилганлиги, кредит муносабатлари соҳасидаги тўғонолар ҳам поляк аҳолисининг турмуш даражасини ёмонлаштиришга бевосита қаратилган. Бу қарор Америка Қўшма Штатларининг шу пайтгача икки томонлама муносабатларда мажбурий бўлиб келган яна бир шартномани узганини билдиради.

Айни вақтда АҚШ ҳукуматининг қарори иккала давлат қатнашаётган кўпгина халқаро битимларга ҳам очиқдан-очиқ хилофдир. Бу қарор халқаро ҳуқуқ нормаларига, БМТ уставига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи актининг принципларига, шунингдек тарифлар ва савдо-сотиқ тўғрисидаги бош битим (ГАТТ) принципларига ҳам зиддир.

Польша ҳукуматининг вакиллари суверенитет ва аралашмаслик принципларини тўла-тўкис ҳурмат қилиш, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг кенг миқёсда қабул этилган бошқа нормаларига риоя қилишгина иккала мамлакат ўртасидаги нормал муносабатларнинг асоси бўлиши мумкинлигини неча марталаб таъкидлаган эдилар.

ПХР ҳукумати АҚШ ҳукуматининг Польша Халқ Республикасига қарши мана шу камситувчилик ҳаракати муносабати билан Польша —Америка муносабатларида қандай чора кўришини қараб чиқади, дейилади баёнотда.

Деҳқонобод

ТУРМУШ МЕҲНАТ ОИЛА

ХОТИН-ҚИЗЛАР САҲИФАСИ № 4 (47)

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ЗАМИН ҚИЗИ

Тонг бўзарди. Қушнининг олачипор хўрози бўйнини ўзганча қичқириб, қанотларини қоқди-да, ҳурпайиб олди. Кумуш опа рўмолини танғиб ҳовлига чиққанда енгил шабада унинг юзини сийпалаб ўтди. Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб чуқур нафас олган аёлнинг танаси яйраб кетди. У енгиллашиб, бостирма томон юрди-да, сигир ва бузоқларидан хабар олди, Уларга ўт солди. Хушбўй пичан ҳиди димоғига урилди. Аёлнинг кўнгли яйраб, самоварга чўғ ташлади. Сўнг фартуғини боғлаб, сигир соғишга тутинди. Сутнинг бир маромда «шив-шов» этиб овоз чиқаришини у кўпдан соғинган эди. Сут ҳиди, пичан ҳиди, она-Ер ҳиди, қишлоқ кишилари. Кумуш опа сутнинг шовиллашига ҳамоҳанг равишда ҳаёлга чўмиб кетди...

Онаси Қундузхон даладан бери келмас эди. Аёл бўлиб бирон дард билан оғриб уйда ўтирганини ҳеч ким эслай олмайди. Унга қишлоқдаги аёллар «Жонинг темирданмия», деб кулишарди. Шунинг учунми, учинчи фарзанди нақ даланинг ўзида туғилганида ҳеч ким ажабланмади. Янги чақалоқни онанинг терган бир этак пахтасига ўраб қайтишди ўшанда даладан. 1940 йилнинг кеч кузи. Мамлакат учун пахта сув билан ҳаводай зарур эди шу кезларда. Қизалоққа яхши ният билан Мамлакат дея исм қўйишди.

Кумушхон ана шундай онанинг тарбиясини олди.

Мактабдаги дарсларга машъум уруш янги — турмуш дарсини киритди. Бу дарс барча болалар қатори Кумушойни жуда тез, эрта улғайтди. Катталардек фикрлайдиган, босиқ, вазмин қилиб қўйди. Меҳнат фронтидагилар ёш жиҳатидан фарқни бутунлай унутишган. Ҳамма бирдек пахта учун курашда. Кумушой шу нозик, ингичка оқ толалари душман ўқига зирҳли қалқон бўлаётганини яхши англар, чаноқ тилиб юборган қўллар оғриғини сезмас эди.

Москвада Ғалаба салютлари порлаган пайт Кумушнинг яшил ғўзалари ҳам уч қулоқ бўлиб юз кўрсатди. Шу-шу у даладан бери келмади. Звено бошлиғи бўлди, стахановчилар сафида меҳнат қилди. Боғчага тарбиячи бўлиб ишга кирдию урушдан сўнг ўқишни давом эттирмай катта хатога йўл қўйганини тушунди. Аллақандай қозонни тўлдиришга келганда тиши ўтмади...

Кўп ўтмай, боғчада ишлаб юрган кезлари кичик синглиси Ойтўти 8-синфни тугатган эди, уни ўқишга судради. Бу пайтда онла бошлиғи Отабой ака вафот қилган, қишлоқдан ҳали ўқийдиган қизлар чиқмаганди. Уйидагилар — она билан ана Кумуш билан гаплашмай қўйишди. Қишлоқдагилар бўлса «Кумуш жиянли бўлмоқчи шекилли» дея гап тарқатишди. Барибир у қайтмади. Ойтўтини дугонаси Роза билан Янгийўлдаги медицина билим юртига жойлаштириб келди. Ўшанда ёлғиз турмуш ўртоғи Мансур акагина унинг ишини маъқуллади. Қирғиз қизининг сулувлигига учган йигит унинг зукколиги, ақлига ҳам тан берарди. Кумуш ҳам қалби дарё бу қозоқ йигитига кўнгил қўйиб, адашмаган эди.

У яна бригадага қайтди. Мансурнинг тўғри сўзлиги, тантилигини қишлоқдагилар яхши билишарди. Шундай бўлса-да, бригада бошлиғи бўлиб тайинланган кезларида Кумуш қўшни бригадага ўтиб кетди. У ҳалол меҳнат қилар, кунига 200—250 килограммлаб пахта терар ва бунга бировнинг шубҳа қилишини ёқтирмас эди. Бу аҳил оиладаги олти фарзанд ҳам ҳозиргача шу руҳда тарбия қилиб келинади.

Оғир дард Мансур акани оёқдан йиқитди-ю, Кумушга бригадани бошқаришга тўғри келди. У эрининг юзини ерга қаратмаслик ниятида муттасил юқори ҳосил учун курашиб келди. Кеча келса қурт боқди. Йўл қурилишида ишлаб, сақич эритиб, асфальт ёқизганида ҳам ҳоридим, демади. Болаларини ўқитиб, одам қилди. Афсуски, ҳаётнинг ҳамолини ота кўролмади. Унинг Кумуши эллик центнерчи бригадир сифатида районда донг таратди, уста пахтакор бўлиб танилди. Кумушхоннинг чарчоқ, тиним билмаслиги, меҳнат ғайратига қараб, «Полвон аёл» дейишадиган бўлишди.

Яқинда хорижга сафарга отланган бир гуруҳ меҳнаткашлар рўйхати орасида унинг номини ҳам учратиб қолдик: «Кумуш Оғабоева. Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг илғор бригада бошлиғи».

Кумуш опа билан суҳбатлашганимизда у: «Ўғлим Абдумаликни кўриб қайтмоқчиман. Ҳарбий хизматда. Отасининг ўрни билинмасин»,— дея жилмайди.

Ўзида шунчалик заковат, иродани мужассам қила олган аёл қаршисида таъзим қилгинг келади, киши. Орадан ой ўтиб, Кумуш опа сафардан қайтди. Оддий қишлоқ аёли меҳнати туфайли дунё кезди, ўғлининг дийдорига тўйиб қайтди. Абдумаликнинг Ватан олдидаги бурчини аъло даражада ўтаётгани онага чексиз фахр бахш этди. Сўнг Ватанини, юртини соғиниб, қишлоққа ошқди. Пенсияга чиққани ҳам ёдидан кўтарилиб, даласи сари юрганини сезмай қолди...

Сут иси димоғини қитиқлади. Кумуш опа ундан роҳатланиб сут тўла челак билан ошхонага кирди. Сўнгра далага чиқди. Бодроқдайбодроқдай очилган пахталарга меҳр билан тикилди. Чеҳраси ёришиб кетди...

У. АБДУМАЛИКОВА.

Республикамизда ўзининг ҳалол, фидокорона меҳнати туфайли эл-юрт иззат-икромига сазавор бўлаётган хотин-қизлар кўплаб топилади. Анорхон Эргашева ана шулардан бири. У Поп районидаги аграр саноат бирлашмасига қарашли Ленин номли совхоз-техникум директоридир. Совхоз заршунослари юбилей йилида давлатга 8 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: Анорхон Эргашева.

Х. Ҳайдаров ва Я. Жунашев фотоси.

(ЎзТАГ).

СЎЗ ХОТИН-ҚИЗЛАР СОВЕТИ АЪЗОЛАРИГА

КАСБ ҚУВОНЧИ

Колхозимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йилида ўзгача ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Сабзаводчилар ҳам, полизчию чорвадор ҳам жонажон Ватанимизнинг шонли 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган ҳафталикларда актив қатнашиб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунда кўплар қатори биз, хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этаётганимиздан фахрланамиз, қалбларимиз қувонча тўлади.

Қариб чорак асрдирки, чорвадорлик касбини улуғлаб келаман. Ўтган йиллар мобайнида билмаганларимни тажрибали соғувчилардан ўргандим. Кўплаб ёшларга мураббийлик қилдим. Киши ўз касбига меҳр қўйса, уни ардоқласа, ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътибор топаверади.

Соғувчи сифатида сигирлардан кўп ва серқаймоқ сут соғиб олишимизнинг сири — ўзимга бириктирилган говмишларни меҳр билан парваришлашда деб биламан. Ойлик ва квартал планларимни мунтазам ортиғи билан бажаришга эришяпман. Хотин-қизлар Советининг аъзоси сифатида фермада социалистик мусобақани намунали йўлга қўйишда ўз билимим, маҳоратимни ишга соламан, ташаббускорлар сафида бўлишга интиламан. Ҳамкасбларим ўртасида бу йилнинг масъулияти ва мажбурияти, говмишлардан кўп сут соғиб олишнинг илғор усуллари ҳақида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турамиз.

Барча совет кишилари томонидан баланд руҳ билан кутиб олинган СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун хўжалигимизда давом этаётган ўзаро мусобақада биз, «оқ чашма» соҳибалари ҳам фаол қатнашяпмиз. Ҳар биримиз зиммамизга оширилган мажбурият олиб, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашяпмиз. Ҳамкасбларимдан Ч. Хўжабекова, Х. Нишонова, К. Шарифбоева, Қ. Абдуллаевалар бу борада, айниқса, ғайрат кўрсатмоқдалар.

Қаерда яхши иш шароити яратилган бўлса, ўша ерда кўзланган марра эгалланаверади. Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари унумли ишлашимиз учун етарли шароит яратиб беришмоқда.

Мана, йилнинг тўққизинчи ойи ҳам тугади. Бу давр ичида мен ҳар бош сигирдан 2500 килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олдим. Областимизда 3 минг килограммчилик ҳаракатига қўшилганман. Ҳеч шубҳасиз, йил охиригача ўз ихтиёримдаги 20 бош сигирни зоотехника қоидалари асосида парваришлаб, ҳар биридан 3 минг килограммдан маҳсулот оламан.

Ҳалимахон АСҚАРОВА,
Наманган районидаги Тельман номли колхоз сигир соғувчиси.

ДУГОНАЛАР ДАФТАРИДАН

СЎНМАГАЙСАН, ЮЛДУЗИМ

Сен сўнишни билмагайсан, сўнмагайсан, юлдузим,
Асло кўнгил осмонини тарк этмагай нурларинг.
Сен — бахтимсан, сен-ла шодон ўтар кеча-кундузим,
Хонамга нур бахш этади илк тутқазган гулларинг,
Сен сўнишни билмагайсан, сўнмагайсан, юлдузим.
Йироқ кетдим, энди абад унутар деб ўйлама,
Ва ўзгага кўнгил бериб, гул тутар деб ўйлама,
Остонада мендан ўзга ёр кутар деб ўйлама,
Хатларимни тошқин сувга ташлар деб ўйлама,
Сен сўнишни билмагайсан, сўнмагайсан, юлдузим.
Митти қалбим фақат сенга осмон бўлиб яралган,
Иродам-чи, танҳо ишққа посбон бўлиб яралган,
Умрим вафо гулларига бўстон бўлиб яралган,
Қўшиқларим номинг билан достон бўлиб яралган,
Сен сўнишни билмагайсан, сўнмагайсан, юлдузим.
Бу оламда сен борсан, бас, йироқ бўлсанг майлига,
Менинг учун мангу ҳижрон, фироқ бўлсанг майлига,
Умр бўйи излаб ўтгум ўхшасам ҳам Лайлига,
Бипсанг, бермм бахш этганман тепба кўнгил майлига,
Сен-ла обод, сен-ла ширин умрим, кеча кундузим,
Сен сўнишни билмагайсан, сўнмагайсан, юлдузим!

Қизлархон МАМАТҚУЛОВА,
Фарғона.

ҲАЙРАТ

Қишлоққа қайтардим ҳорғин, беором,
Кирганда борлиқ хазон фаслига.
Тўндек қора, совуқ эди бу оқшом,
Мен шошардим сирли тушлар васлига.
Борар эдим уйқу излаб ҳалитдан,
Бироқ тинчимаган ҳеч қишлоқ қизи.
Ажаб! лол қоламан тунги ҳолатдан:
Димоғимга урар иссиқ нон иси.
Бир девор ортидан боқсам мўралаб,
Не кўз билан кўрай, кир ёр жувон.
Қозонининг бошида кафгирин ушлаб,
Овқат пиширади мунис онажон.
Бир йигит ювинар жуда завқ билан.
Аёқда пишиллаб тиззага қадар,
Анча нозик экан, ташлайман назар:
Совуқдан жунжикмас — бу қандай бадан?
Билгим келди тунги шовқининг сирни,
Ўтиб қолди шу дам каттакон карвон.
Пахта ишқи экан шунчалар ширин,
Бу гавжум ҳаётга бўлманги ҳайрон.
Кузга бегонадир тунги сукунат,
Тан бераман бугун жиловлаб ақлим.
Кўнглим чулғайди гўзал бир ҳайрат,
Буюк эътиқод-ла яшайди халқим!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
Андижон.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

* * *

Тухум сариғи илиқ жойда чиниб идишда чилчўп билан ийланса, тез кўпиради. Оқсили эса, аксинча, совуқ жойда кўпиради.

* * *

Унни, қанд упасини стаканда ўлчаш зарур бўлганда уларни аввал элаш керак. Эланган маҳсулотнинг зичлиги бир хил бўлганлигидан ўлчами ҳам аниқ бўлади.

* * *

Лимонни дастурхонга тилимлаб қўйишдан олдин устидан қайноқ сув қуйсангиз, у янада хушбўй бўлади.

* * *

Жуда қуриб кетиб, ўзига хос мазасини йўқотган ёнғоқ тузли сувга бутунлигича 5—6 кун солиб қўйилса, сув унинг пўчоғи орқали шимилиб, мазаси тикланади.



Катта ҳаёт бўсағасида.

Ж. ТУРАЕВ фотоэтюди.

«ДИЛРАБО» ОҲАНГЛАРИ

Муҳаббат қўшиқ куйлаяпти...

Кун бўйи ҳаёт қайнаб турган пахтазор бир лаҳзагина тинчиб қолди, санъаткор қизнинг қўшиғини у ҳам берилиб тинглаётгандай гўё. Қиз куйлаяпти. Хирмонда ярим доира шаклида ўтирган колхозчилар ва ҳашарчилар завқ билан, жондили билан қулоқ солишяпти, унга.

Пахтакорнинг вақти зиқ. Ярим соатгина давом этади унинг тушлиги. Шу пайтда колхозчилар ҳам овқатланиб олишга, ҳам санъаткорларнинг қўшиқ ва рақсларидан баҳраманд бўлишга улгурадилар.

... Район маданият уйининг директори Ҳосилбек Асронов ёш, лекин ташаббускор раҳбарлардан. Маданият уйининг автоклуби билан ҳар сафар унинг ўзи бирга чиқади, санъаткорлар хизматда бўлар эканлар, уларнинг чиқишлари томошабинларда қандай таассурот қолдирди — буни ўзи кузатади. Концерт номерларини санъат шинаванда-ларининг кайфиятлари, дид ва истакларини инобатга олган ҳолда тузади.

Далада байрам. Тельман номли совхознинг СССР Олий Совети депутати Офтобхон Турғунова бошлиқ бригадаси аъзолари 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, социалистик мажбуриятларини бажардилар. Бугунги концерт номерлари район маданият уйига қарашли «Дилрабо» қизлар ансамблининг машъал пахтакорларга тутҳфасидир.

Муҳаббат Матисаева, Ҳосият Қозоқова, Барно Ҳамроқулова, Турғуной Йўлчиева. Уларнинг ҳар бири маданият муассасаларида меҳнат қилишади. Бири кутубхоначи, бири методист, бири тўгарак раҳбари. Аммо ҳаммасини бир ўй, бир орзу—санъатга бўлган муҳаббат бирлаштирган.

Мана, Муҳаббат «Билмасмидинг» ашуласини зўр маҳорат билан ижро этди. Ундан сўнг навбат Ҳосиятга келди. Унинг дугонаси Барнонинг шўх рақсларини ҳам кўпчилик севиб, томоша қилди. «Лазги», Гул сайри», «Гулойим». Бу рақсларда ўзига хос жўшқинлик сезилади қизлар ўйнаганда. Турғунойнинг қўшиқлари ҳам ўзининг самимийлиги билан ал эътиборига сазовор бўлган.

Тўрттала қиз иштирокидаги концерт йигирма беш-ўттиз минутча давом этди, Аммо ҳамманинг ёдида қолди. Карсаклар устига карсаклар, олқиш устига олқиш ёғилди.

— Санъаткор қизларимиз хизматидан бенаҳоя хурсандман, — деди концерт сўнгида бригада бошлиғи Офтобхон Турғунова.— Улар мана шу билан бизга бешинчи бор меҳмон бўлиб келишди. Уларнинг ҳар бир келиши биз учун ўзига хос байрам. Шўх қўшиқлар ва рақслар кучимизга куч қўшади. Биз бугун мажбуриятимизни ҳам бажардик. Гектаридан яна 10 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз. Санъаткорларимиз кайфиятимизни кўтариб, бизни унумли ишлашга руҳлантирмоқдалар.

«Дилрабо» ансамблининг қизлари қатъий график асосида дала айланадилар. Санъатни ўзларининг саодати деб билган қизлар тинмай изланишда. Улар ўз репертуарларини янги, замонавий қўшиқлар билан бойитиб боряптилар.

Қ. ЭШБОЕВ,
Бўз райони.

ЮРИДИК КОНСУЛЬТАЦИЯ

УМУМИЙ ИШ СТАЖИ УЧУН

«Ҳурматли редакция! Телевизион эшиттиришлардан бирида бир корхонада узлуксиз иш стажи учун пенсияга қўшимча тўлаш тўғрисида эшитиб қолдим. Сизлардан илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

М. ЖЎРАЕВА.
Сирдарё области.

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 7 январдаги Фармонига мувофиқ, умумий иш стажи учун бериладиган пенсияга қўшимча олиш ҳуқуқига эга бўлган ишчи ва хизматчилар (камида 35 йил ишлаган эркаклар ва камида 30 йил меҳнат қилган аёллар), бир корхона, муассаса, ташкилотда камида 25 йил ишлаганлар, болалари бўлиб, камида 20 йил меҳнат қилган аёллар пенсиясига қўшимча тўлаш 10 процентдан 20 процентгача кўпайтирилди.

Юқорида эслатиб ўтилган шартларда белгиланган пенсиядан ташқари 10 процентгача миқдорда қўшимча пенсия тўланади.

Бу тартиб 1983 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради.

Деҳқонойга хат

АЙТСАММИ Ё АЙТМАСАМ?

Халқимиз: «Қанот жуфт бўлади»,— деб бекорга айтмайди. Бу сўзлар замирида олам-олам мазмун бор. Оддий мисол: қушнинг қаноти жуфт бўлмаса, у кўкка кўтарила олмайди, олам кенгликларига, ундаги рангоранг ва жозибадор гўзалликларга суқланиб боқолмайди, севган манзилига етиб боролмайди. Ҳаммага маълум бўлган бу ҳақиқатни инсоннинг ўзига ҳам қиёс қилса бўлади. Унинг бир қаноти ўзи бўлса, севикли ёри иккинчи қанотидир. Агар инсоннинг ана шу иккинчи қаноти умрбод садоқатли, ҳамиша вафодор бўлса, унинг ҳаёти сермазмун ва бахтли кечади.

Менинг бахтим шундаки, дориламон замонда туғилиб, эркин ва бахтиёр бўлиб ўсдим. Ўқиб-улғайиб, ҳаётдаги ўз жуфтимни топдим. Аввалига яхши ният билан курган турмушимиз кўнгилдагидек кечди, уйли-жойли, ували-жували, бола-чақали бўлдик. Умр йўлдошим ишга вақтида бориб, вақтида келар, уйга қайтиши билан кўнглимни кўтариб, ёнимга кирар, қувончи-ю ташвишларини мен билан баҳам кўрар, қиладиган ва қилинажак ишлари тўғрисида маслаҳатлашар, ҳеч нарсани мендан сир сақламас, қингир қадам босмас, не-не умид билан курган турмушимизга садоқатли эди.

Инсон ўзи эндигина ошга текканда, ундан захар чиқмасин экан. Нима бўлди-ю у уйга кеч келадиган ҳунар чиқарди. Бу мени ташвишга солиб қўйди. Кўп ўйлайман, дардимни бировга айтишдан андиша қиламан. Бирор дугонамга айтай десам, кексаларнинг: «Юракдаги бировга айтилмаган гапнинг сир, айтилгани сир эмас», —деган гапи ёдимга тушади. Шундай деб дардимни яширишга, сир сақлашга ҳаракат қиламан. Лекин бўлаётган воқеа менга тинчлик бермайди, билмайман.

Ўз ўтимда қовриламан, вужудим азобда тўлганади. Ахир, у билан кўп йиллардан бери бирга яшаймиз. Шу орада учта болали бўлдик. Турмушимиз яхши, волийдиган ерим йўқ. Аммо умр йўлдошим ишхонасида бирга ишлайдиган бир аёл билан дон олишиб юрганини эшитиб қолдим. У қачон ишдан кеч келса, бирорта баҳонани важ қилади. Баъзан у ерда-баъзан бу ерда бўлдим, мажлис бўлиб қолди, деб турли баҳоналарни топади. Мен ёлғон сўзлаётганини, гаплари тўғри эмаслигини кўзларидан билиб оламан. Кўзларининг бежолиги мени алдаётганини билдириб қўяди.

Шунда вужудим тўлганиб, виждон азобида қоламан. Кўнглимга қулоқ солсам: «Баҳридан ўт», — дейди. «Йўг-е, чида, тоқат қил, бардошли бўл», деб ўзимга-ўзим таскин бераман. «Бор-е», деб баҳридан ўтай десам, орамизда ширин-шакар болаларимиз бор. Уларни шартта етаклаб, онамнинг олдига жўнаб колай десам, мушфиқ меҳрибоним укам билан туради. У ҳам уйли-жойли, бола-чақали. Агар болаларимни етаклаб борсам, уларнинг ҳам оромитинчи йўқолади. «Чиққан қиз чиғиридан ташқари», деган иборани эслайман-у, яна ўзимни қўлга оламан.

Бир қўл иккі ишни
қилолмас якбор,
Бир дилга сиғишмас
ҳечам икки ёр—

деган экан ўтмиш замоннинг бир буюк шоири. Эрим билан дилхушлик қилиб юрган ўша аёлга ажабланаман. Наҳотки, эримнинг севгиси чиракам эмаслигини, ўткинчи бир ҳавас эканлигини у тушуниб етмаса? Ахир, жамиятимизда яхши кишилар кўп. Наҳотки у ўз тенгини тополмаса? Бу иши билан бировнинг кўп йиллик турмушини бузиб, унинг тонг гулидек покиза, чашма сувларидек зилол, тоғ ҳавосидек беғубор орзу ва мақсадларини поймол, яхши ниятларга тўла дилини вайрон, гулдек турмушини хонавайрон, умидларини синган ойнадек чилпарчин қилаётганини билмаса?

Ўйлаб, ўйимга етолмайман. Ўйлаган сарим жаҳлим чиқиб, тутоқиб кетаман. Бир кўнглим: «Ҳаммасига тупур, қадр-қимматингни ерга урма, сен ҳам инсон фарзандисанку?», —дейди. Лекин яна ўзимни қўлга оламан. «Одамлар нима деркин?»— дея оқибатини ўйлайман. Орамизда бирон-бир жанжал бўлгани ҳам йўқ. Ажралай десам одамлар юзига қандай қарайман, танишларга бунинг сабабини қандай тушунтираман? Орамизга тушган совуқлиннинг олдини олишнинг бирорта чораси бормикан?

Қадрдоним Деҳқоной!

Сиз, хотин-қизлар орасида кўп бўласиз. Кўпгина можаро ва жанжалларни ҳал қиласиз. Қани айтинг, мен нима қилай? Бошимни қотирган бу муаммони ҳал этишда қандай маслаҳатлар берасиз?

Ҳурмат билан
НАЗОКАТ.

ДЕҲҚОНОЙДАН: Назокатнинг бу мактубида яҳоятда нозик ва мураккаб масала тўғрисида гап боради. Дабдурустдан бу ҳақда бирон-бир фикр билдириш қийин. Шу боисдан мазкур масала ҳусусида фикр билдиришни муҳтарам дугоналаримизнинг ўзларига ҳавола этамиз.

Рақҳоси хиром этганда...
А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

ЭЛ БОЙЛИГИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА БЎЛСИН

СССР Озиқ-овқат программасида қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни янада ривожлантиришнинг катта тадбирлари белгиланган. Айни пайтда бу ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар ҳам кўзда тутилган. Масала шундай қўйилмоқдаки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтиришнинг ўзи етарли эмас. Муҳими, дала ва фермаларда етиштирилган ҳамма нознӗматни ҳеч нобуд қилмай сақлаб қолиш ва истеъмолчига етказиб беришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам республика прокуратура органлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиш, ташиш ва сақлаш пайтида унинг ўғирланишига, бузилиши ва нобуд бўлишига, қишлоқ хўжалик техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлардан фойдаланиш ва сақлашда жиноий-эҳтиётсизликка йўл қўйганлиги учун, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчиларига етказиб бериш масаласида давлат интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортишни кўзда тутувчи қонунларга риоя қилиш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш ва таъсирини оширишга қаратилган аниқ чоралар кўрмоқдалар.

Бу соҳада Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах ва бошқа айрим областларнинг прокуратура органлари ходимлари ижобий ишлар қилмоқдалар. Улар жойларда контроль қилувчи органлар билан яқин алоқада бўлиб, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда текширишлар ўтказмоқдалар ҳамда ишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Қонунни бузувчиларга қарши курашда ўтган йиллардаги тажрибага таяниб, огоҳлантириш-профилактика ишлари фаол амалга оширилмоқда, яъни текшириш якунларини маълум қилиш учун механизмлар коллективлари билан учрашувлар ўтказилмоқда, маҳаллий матбуотда мақолалар босиб чиқарилмоқда.

Навоий области прокуратураси уюштирган текширишлар оқибатида минерал ўғитларни хўжасизларча сақлаш ва уларнинг бузилишига йўл қўйиш ҳоллари аниқланди. Текшириш натижаларига кўра, прокуратура томонидан бундай қонун бузишларни бартараф этиш ва огоҳлантириш, кўрилган заварни ундириб олиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортишга қаратилган шошилинч чоралар кўрилди.

Масалан, Навбаҳор районы прокуратураси «Москва» колхози бригадири А. Камоловга нисбатан жиноий иш қўзғади. У 960 сўм миқдоридаги минерал ўғитларнинг бузилишига йўл қўйди. Шунингдек, Навоий номли колхоз агрономи А. Жаҳонов ҳам жавобгарликка тортилди. Унинг айби билан 1981 йилнинг апрелидан бўён 2047 сўмлик минерал ўғит мўлжалдаги мақсадга ишлатилмай очиқ ҳавода сақланиб келган ҳамда натижада мутлақо ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган. Мазкур ишлар юзасидан ҳозир тергов олиб борилмоқда, тергов пайтида етказилган заварни ундириб олиш чоралари кўрилмоқда. 5 тонна аммак селитраси, 3,8 тонна аммофосни сақлашда хўжасизлик қилганликлари ҳамда уларнинг бузилишига йўл қўйганликлари учун «Бухоро» колхозининг бригадири В. Пўлатов ва «Москва» колхозининг бригадири С. Бозоров ҳам Қизилтепа район прокуратураси томонидан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари текширириш натижалари асосида хўжалик органларига еттита тақдимнома берилди, 31 киши интизомли жавобгарликка тортилди, 18 мансабдор шахсга нисбатан умумий миқдори 7684 сўм бўлган даъво билдирилди. Бир қатор шахслар бундан бўён қонунни бузишга йўл қўймасликлари ҳақида огоҳлантирилдилар. 38 киши ихтиёрий равишда 16 минг сўмдан зиёд заварнинг ўрнини копланди.

Тилга олиб ўтилган областларнинг прокуратура органлари хўжаликларнинг рахбарлари жавобгарлиги ҳақида масала кўндаланг бўлиб турганида ҳам изчиллик ва принципиаллик кўрсатдилар. Масалан, Қизилтепа район прокурори даъво билдириш йўли билан Жданов номли колхоз правлениесининг раиси Э. Темировни кўрилган заварни батамом тўлаш учун моддий жавобгарликка тортди. Раиснинг кўрсатмаси билан 150 сўмлик минерал ўғит очиқ ҳавода сақланиб, бутунлай яроксиз ҳолга келган. У қонунни бузишга бундан бўён йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш олди.

Навоий область прокуратураси уюштирган текширишлар натижасида минерал ўғитларни хўжасизларча сақлаш ва уларнинг бузилишига йўл қўйган ва ҳоллари аниқланди. Текшириш натижаларига кўра, прокуратура томонидан бундай қонун бузишларни бартараф этиш ва огоҳлантириш, кўрилган заварни ундириб олиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортишга қаратилган чоралар кўрилди.

Навоий область ижроия комитети область прокуратурасининг тақдимномасини кўриб чиқиб, минерал ўғитларни сақлаш соҳасида район ижроия комитетларининг ва қишлоқ хўжалик органлари рахбарларининг ишини қониқарсиз деб топди. Ўз қарори билан улар зиммасига минерал ўғитларни яхши сақлаш учун тегишли чоралар кўриш ва амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот бериб туриш вазифасини юклади.

Янги ҳосилни сақлаш ҳақидаги қонунчиликка риоя қилиш-юзасидан назоратни амалга ошириш пайтида прокуратура органлари меҳнати муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик техникаси қоидаларининг қатъий бажарилишини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалик техникасидан жиноий-эҳтиётсизлик билан фойдаланганлиги ва сақлаганлиги, ёнилғи-мойлаш материалларини талон-тарож қилганлиги, қўшиб ёзиш ёки давлат ҳисоботини бошқача бузиш ҳоллари учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар қандай бажарилаётганлигига ҳам доимий эътибор бермоқдалар.

Контроль қилувчи органлар билан биргаликда, мутахассислар иштирокида ўтказилган текширишларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Сирдарё ҳамда бошқа айрим областлар ва Қорақалпоғистон АССРнинг бир қатор хўжаликларида қонун бузиш ҳоллари рўй берганлиги аниқланди. Масалан, Жиззах область Арнасой район прокуратураси Ворошилов номли совхоз 4-бўлимининг катта механиги К. Сарлибоевни жиноий жавобгарликка тортди ва у суд қилинди. Сарлибоев жиноятқорона бепарволик қилганлиги натижасида 1134 сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси йўқолишига йўл қўйилган. Кўрилган зарар тергов пайтида тўла ундириб олинди. Худди шундай қилмиш учун Жиззах область Октябрь районидаги 29-совхознинг пахта териш машиналари бўйича инженери М. Бердиёров жиноий жавобгарликка тортилди ва тегишли жазоланди.

Бухоро областининг Свердлов районидаги Ҳамза номли, Ленин номли, Охунбобоев номли, Свердлов номли, Навоий номли, Киров номли, «Ленинград», «Ўзбекистон», Қоракўл районидаги Максим Горький номли ва «Москва» колхозларида, шунингдек Андижон, Хоразм, Тошкент, Самарқанд ва бошқа областларнинг айрим хўжаликларида нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисоба олиш шароитлари уларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан сақланишини таъминламаяпти. Нефть омборларида ёнилғи-мойлаш материаллари солинган резервуарлар герметизацияси бузилган. Уларнинг кўпчилиги люклари очиқ ҳолда ишлатилмоқда, очилиб-ёпиладиган клапанлар йўқ, нефть маҳсулотлари ўлчамасдан бериб юборилмоқда.

Нефть омборлари ва заправка ускуналари қониқарсиз аҳволдалиги, шунингдек, носоз техникадан фойдаланиш оқибатида мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, Бухоро ва Андижон областларининг фақат 29 хўжалигида ҳар йили 570 тоннадан ортиқ ёнилғи-мойлаш материаллари исроф бўлмоқда. Текширувдан ўтказилган бир қатор хўжаликларда турли маркадаги автобензинлар битта сиғимга қуйилаётгани, натижада уларнинг сифати пасайиб, автоагрегатлар барвақт ишдан чиқишига олиб келаётгани маълум бўлди.

Нефть маҳсулотларини нормаллаштиришда ҳам жиддий камчиликлар аниқланди. Бундай маҳсулотларнинг дастлабки ва бухгалтерия ҳисоб-китоби қониқарсиз йўлга қўйилган. Резервуарлардаги ёнилғи миқдорини ўлчайдиган приборлар ва калибрлаштириш жадваллари йўқ. Нефть омборлари ва автомашиналарнинг бакларидаги ёнилғи қолдиғини ҳисобга олган ҳолда ҳар ойда инвентарлаштириш ўтказилмаяпти. Йўл варақаларида автомобилларнинг спидометрлари кўрсаткичлари қайд этилмайди. Айрим ҳолларда эса ҳайдовчилар ва механизаторлар олинган ёнилғи-мойлаш материаллари миқдори учун қўл қўймайдилар. Ҳисоб-китобнинг бундай аҳволда бўлиши нефть маҳсулотларининг ортиқча тўпланиши ёки камайиб кетишига олиб келади ҳамда турли хил суиистеъмол қилишларга йўл очади.

Нефть маҳсулотларини хўжасизларча сақлаш ва улардан нораціонал фойдаланиш соҳасида аниқланган барча фактлар бўйича прокуратура органлари айбдор шахсларга нисбатан интизомли ва моддий таъсир олишгазиш чораларини кўрдилар. Сирдарё области прокуратураси Меҳнатобод район статистика бошқармасининг собиқ бошлиғи А. Нуриддиновни жиноий жавобгарликка тортди ҳамда у суд томонидан жазоланди. Нуриддинов Ҳамза номли совхоз тақдим этган маккажўхори дони ҳосили тўғрисидаги ҳисоботда 519 центнерни 10140 центнер қилиб ўзгартирган. Бошқача қилиб айтганда у йўқ центнерларни қўшиб ёзган. Қорақалпоғистон АССРдаги «Советская Каракалпакия» совхозида ем-хашак тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар ҳисоботи бўяб кўрсатилганлиги аниқланди. Бундай қонун бузишнинг айбдорлари ҳам тегишли жазо олдилар.

Ўтказилган текширишларнинг натижалари колхоз ва совхозларда бундай қонун бузишлар область ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари, «Госсельтехнадзор» органлари ўғирлик, хўжасизлик, талон-тарожлик ҳоллари ниг олдини олиш ва барҳам беришга, хўжалик рахбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш, социалистик мулкни сақлашга нотўғри муносабатда бўлаётган кишиларни қонун бўйича жавобгарликка тортиш юзасидан етарли чоралар кўрмаётганликларини кўрсатади.

В. МАННОНОВ,
Ўзбекистон ССР прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи, юстиция катта маслаҳатчиси.



Шаҳрисабз ўзининг архитектура ёдгорликлари билан машҳур. Бундан беш аср муқаддам бу ерда бунёд этилган тарихий обидалар безакларининг гўзаллиги ва нафислиги билан бугунги кунда ҳам кишилар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бироқ, давр кўҳна ёдгорликларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Уларнинг кўпида таъмирлаш ишларини амалга ошириш лозим бўлиб қолди.

Кейинги йилларда республикамиздаги тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта маблағ ажратилмоқда. Бу муҳим ишга олимлар, архитекторлар, рассомлар, халқ усталари жалб этилябти. Шаҳрисабз шаҳрида ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: таъмирчилардан М. Раҳмонов, М. Саъдуллаев, К. Султоновлар бажариладиган ишлар хусусида суҳбатлашишмоқда.

Р. Шагаев ва Ш. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ).

ҚАЛБ СЎЗИ

Этюд

Дилшод бугун уйга маъюс кириб келди. Чимирилган қовоғидан гўё қор ёғарди.

—«Беш» олдим, деб осмонга сакраб, қувнаб келардинг ҳар қуни. Емон баҳо олдингми, нега хомушсан?— сўради кир юваётган онаси.

—Қизиқсиз-а, ойи, нега энди ёмон баҳо олар эканман?!

—Бўлмаса нега хомушсан, болам, дардингни тўкиб, ёзилгин мундоо-оқ.

Дилшод аввалига тўғрисини айтсам ойим хафа бўлармикан, деб иккиланди. Онасининг «Айтақол болам, айтақол. Нега хомушсан?» — деб қистайверганидан кейин айтди.

—Мактабдан қайтишда каттакон клубдаги мажлисни томоша қилдик. Раис буваничи ойи, сўзлари жуда ҳам кўп экан. Роса сўзладилар. Боғдаги узумларни ҳам мақтадилар. Дадамлар бўлса жудаям оз гапирдилар. Сўзлари шунақа камми, ойи? Қўлларини кўкракларига қўйиб, саҳнадан тез тушиб, кетдилар. Ўртоқларимдан бирам уялдимки қўлларим билан юзимни беркитдим.

Дилшод, айниқса, охирги жумланн ажиб бир ҳаяжон билан, тўлқинланиб айтди. Киприкларини пирпиратиб, ҳамон ўзини босолмади.

—Вой боласи тушмагур-ей. Шунга ҳафа бўляпсанми?— онасининг чеҳраси ёришди. —Сенинг ўрнингда бўлганимда хурсанд бўлардим. Биласанми, даданг камтар ва содда. Соз ишлаб, оз сўзлашни яхши кўради. Лекин даданг нинг бошқа ажойиб сўзлари кўп. Элга ёқимли, жуда ширин. Мен билан боққа борсанг, ҳаммасини билиб оласан.

Эртаси Дилшод онаси билан боққа борди. Сўри ва ишкомлардаги «қирмизи», «ҳусайни», «кишмиш»лар нур талашиб товланарди. Саф-ааф осилиб турган узум лирга Дилшоднинг ҳаваси келди. Кўзи ўйнарди. Каттакон узум бошини узишга кўзи қиймади. Бир шингилини узди-да, карсиллатиб чайнади.

—Маза экан. Оҳ-оҳ ойи, сиз ҳам енг.

— Маза экани,—а кулиб қўйди онаси. —Тиллодек товланган, бўлиқ, чиройли узумлар ернинг саховати —ширин сўзидир. Дадажоннинг ерни сўзлатгунча қанча тер тўкди. Неча бор «тиллашди» у билан. Даданг ва ер меҳри бир-бири билан қўшилиб, эл-юрт ғамида неъматлар яратади. Билсанг, ерининг ҳосили—сўзи даданг нинг қалб сўзидир. Раис бувагнги ҳам тўлқинлантириб сўзлатган дадажонингни иши. сўзидир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ХАЛҚ ИЖОДИ — ҚАЙНАР БУЛОҚ

НОН ҲАҚИДА ҚАТРАЛАР

Нон — ҳаёт, нон — қўшиқ, нон — бахтиёрлик.

* * *

Нонсиз уй — гнёҳсиз чўл.

* * *

Нонни исроф қилган киши маънавий мажруҳдир.

* * *

Дунёда буғдой майсаси ва бошоғидан чиройли нарса йўқ.

* * *

Нон инсон учун табиатнинг энг муқаддас инъомидир.

* * *

Дастурхонда нонинг бўлса, кўнглинг тинч.

* * *

Дунёда ҳеч бир ризқ-рўз нон ўрнини боса олмайди.

Тўпловчи: сурхондарё область Шўрчи районидаги 21-мактабнинг ўқитувчиси Неъмат АЛИЕВ.

СПОРТ

●БОКС

МАҲОРАТ КУРИГИ

Республикамиз пойтахти Тошкентда «Меҳнат резервлари» жамиятларининг Бутуниттифоқ чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақа давомида Иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинграддан келган 180 нафардан ашёд спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Шуниси эътиборга лойиқки, биринчилик иштирокчиларининг кўпи ёшларни ташкил этган эди. Мусобақа ўз навбатида уларга спорт мастери унвонини қўлга киритиш имконини ҳам берарди. Кутилганидек ҳар бир вазн категориясидаги учрашувлар кескин «жанг»ларга бой бўлди.

Турнирда республикамиз шарафини ҳимоя қилган ёш боксчилар дастлабки саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказдилар. Улардан 11 нафари ярим финал да иштирок этишди. Лекин бешнафар боксчимизгина ҳал қилувчи финалда қатнашди. Бунда фақат В. Мельник ҳужумкор тарзда ҳаракат қилиб, рақиби устидан ғалаба қозонди. Натижада у ҳурмат шоҳсупасининг юқори погонасидан ўрин эгаллади.

Финалга чиққан Р. Сулаймонов, А. Моисеев, А. Шокиров ва А. Нашқановлар эса имкониятларини бой бериб қўйдилар. Умуман якунлайган Бутуниттифоқ чемпионати мамлакатимизда иқтидорли «чарм қўлқоп» усталари етишиб чиқаётганлигини кўрсатди.

●ДЗЮ-ДО

ФАХРЛИ ЎРИН

Спортнинг дзю-до тури бўйича ўтказилган СССР чемпионати ниҳояснга етди.

Кишинёвда якунланган биринчилик мусобақалари бўлажак СССР халқлари VIII спартакиадаси олдидан сўнгги кўрик ролини ўтади. СССР терма командаси устозлари эса асосий турнир —жаҳон чемпионати олдидан номзодларни саралаб олдилар.

Чемпионатда иштирок этган андижонлик В. Сободирев мусобақанинг финалига қадар муваффақиятли қатнашди. Вакилимиз финалда кишинёвлик В. Корлэтяну билан куч синашди. Учрашув ҳакамлари активроқ ҳаракат қилган молдавиялик спортчини ғолиб деб топишди. Шундай қилиб, В. Сободирев СССР чемпионатида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, қумуш медаль соҳиби бўлди.

●ОҒИР АТЛЕТИКА

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

«Меҳнат резервлари» Марказий Совети биринчилиги учун бўлган мусобақалар поёнига етди.

Биринчиликда қатнашган республикамиз вакиллари ўз маҳоратлари ошиб бораётганлигини намойиш этдилар. Айниқса, Ўзбекистон терма командаси аъзоси, С. Дёмин энг яхши натижага эришиб, ғолиблик шоҳсупасининг биринчи погонасини банд этди.

Оғир атлетикачиларимиздан К. Бурхонов ва Х. Шарипов иккинчи ўринни эгаллашди. Шуниси қувончлики Шарипов мазкур турнирда спорт мастери нормативини ҳам бажарди. Яна уч спортчимиз —А. Собиров, С. Жильцов ва Б. Эмирусейновлар учинчи ўринни қўлга киритишди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАРНИНГ ЯНА БИР ВАЗИФАСИ

Токио ўт ўчириш хизмати ходимлари яқиндан бери янги вазифа билан шуғулланмоқдалар. Гап шундаки, кўпчилик японлар гўзал аёл ҳақидаги анъаналар таъсиридами ёки нарх-навонинг беқиёс даражада ошиб боришидан ложжсизликданми ўз қайиқларига жажжи никоҳ узугини харид қилишмоқда. Шуниси қизиқки, бу узукни фақат бармоқдан арралаб чиқариб олиш мумкин. Фақатгина ўтган йили Японня пойтахтида шундай «операция»дан 1,5 минг таси ўтказилди. Бу иш билан шуғулланиш ўт ўчириш хизмати ходимларига топширилди ва улар заруар асбоблар билан таъминландилар.

ПИЧОҚ УРНИГА СУВ

Норвегиянинг Трондхейм шаҳридаги балиқни қайта ишлайдиган корхона яқиндан бери музлаган балиқ бўлакларини белгиланган катталикда қирқиш учун сувдан фойдаланмоқда. Ослолик мутахассислар томонидан яратилган қурилма ниҳоятда тежамли. 350 ҳаво босимида 300 метр тезликда келаётган сув кўндаланигига бор-йўғи 18 миқрондан иборат. Бу ниҳоятда аниқлик билан қирқиш ишларини амалга ошириш имконини беради. «Афтенпостен» газетасининг хабар беришича, бундай қурилма ёрдамида металлдан бўлмаган барча нарсалар — картондан тортиб, тўқимачилик маҳсулотлари ва пластмассани ҳам амалий жиҳатдан қирқиш мумкин.

КЎЛ «ЁРДАМГА» МУҲТОЖ

Венанинг жануби-шарқида жойлашган ва «Вена денгизи» деб ном олган Австриядаги энг йирик «Нейзидлер-Зе кўлини сақлаб қолиш учун зарур тадбирлар кўрилмаса у нобуд бўлиши мумкин. Кўл экологиясини ўрганган мутахассислар шундай хулосага келдилар. Ўлкан сув ҳавзаси қамишлар билан ўралган. Ҳар йили қамишларнинг жуда каттагина қисми чириб, сувга бир неча тонна фосфор чиқаради. Бу модда кўлнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини нобуд қилиши ва сув ҳавзасини улкан «ўлик кўл»га айлантириб қўйиши мумкин.

(ТАСС).

Овчи бурчаги

ИЛОНБОШ ҚАНДАЙ КЕЛИБ ҚОЛГАН?

Бу балиқни овлаш қизиқарли ва мароқлидир. У ўта йиртқич балиқлар жумласига киради ва ҳар қандай хўракни олади. Уни овлашда ҳатто балиқлардан тайёрланган хўраклардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун 0,8 миллиметр қалинликдаги қармоқ бўлса кифоя. У бир бўлак балиқ, бақа ва чувалчанга ҳам қармоққа илинаверади.

Илонбошни ушлашда икки хил, ташланадиган ва дон қармоқларидан фойдаланилади. Ташланадиган қармоққа қўнғироқча илиб қўйган маъқул.

Шуниси қизиқки, илонбош илгари Ўрта Осиё сув ҳавзаларида учрамасди. Шундай экан, у бизнинг сув ҳавзаларимизда қай тарика пайдо бўлиб қолди? Бу саволга мутахассислар шундай жавоб беришади: бундан йигирма йилча аввал Ўзбекистон ва Туркманистоннинг балиқчилик хўжаликларига Амур балиқлари келтирила бошланди. Ўшанда улар билан бирга илонбош балиқлар ҳам тасодифан келиб қолади. Мўйноқ район балиқчилари 1969 йил баҳоридаёқ Орол денгизидан бир неча қўйиб юборганимда у жонланди ва бир ҳафтагача сузиб юрди.

Бу шу билан изоҳланадики, унинг ойқулоғи устида алоҳида органи бор. Ундан қонга кислороднинг сув оркали эмас, балки ҳаво орқали кириши рўй беради. Ҳавони оғзи орқали ютиб ва уни ойқулоғи устидаги органидан чиқариб, илонбош сувсизликдагина эмас, ҳатто қуруқликда ҳам узоқ вақт яшай олади.

Илонбош кучли балиқ бўлиб, ташқи кўринишни жиҳатдан шамбабалиқни эслатади, фақат унинг кичкина кўзлари оғзига яқин жойлашган. Агар кўзларидан юқорироқ жойи қўл билан босилиб турилса, бошқа илон калласига ўхшаб кетади. Чамаси унинг номи шундан келиб чиққан бўлса керак.

Бу балиқ кўпроқ кундузи ҳаракат қилади, кечаси камдан-кам овга чиқади. Ёзнинг жасирама иссиқ кунларида қуёш ботгунга қадар қармоқ тортади.

Тажрибали балиқчилар ташлаб қўйиладиган қармоқни шундай жиҳозлашади: ёғочи ва пўкаги йўғонроқ бўлган қармоқ ўтлар орасига, буталар яқинига ёки сув ҳавзасининг ифлосланиб кетган ерларига ташланади-да, бир учи қамиш ёки бутага балиқ тортиб кетолмайдиган даражада бойлаб қўйилади.

Илонбош март ойи охиридан ноябрь ўрталаригача овланади. У ёзнинг иссиқ кунларида қармоққа кўп илинади. Бунинг сабаби шундаки, у қармоқни тортишдан аввал хўрак билан узоқ ўйнайди, уни баъзан бир неча марта тишлайди ва шундан кейингина хўракни ютиб юборади.

Илонбошни қармоқдан чиқаришдан аввал қўлингизга бир қисм қум олинг-да, кейин уни ойқулоғидан ушланг. Акс ҳолда қармоқдан чиқарганда уни қўлда ушлаб туролмайсиз. Танаси силлиқ бўлганидан у бир айлангандаёқ қўлингиздан чиқиб, сувга тушиб кетиши мумкин.

У хўракни, одатга кўра, чуқур ютади ва жағини маҳкам ёпиб олади. Шу боисдан оғзини осон очиб бўлмайди.

Илонбош-тез ўсадиган балиқлардан. У ёз ичи икки килограммгача вазнга эга бўлади. Бу жиҳати билан оқ амур ва хумбош балиқлардан қолишмайди. Май ойида урчийди. Шуниси эътиборга сазоворки, у бир неча бор увилдириқ ташлайди ва бўлажак авлоди тўғрисида ғамхўрлик қилади, майдаларини йиртқич балиқлардан муҳофаза этади.

Ўлкамиз балиқчилари бу балиқни қишда ҳам бирор марта ҳам қўлга туширгани йўқ. Бу, илонбош қиш даврида уйқуга кетса керак, деб ҳисоблашга асос беради.

Гўшти ширали ва мазали, лаққа балиқ каби майда суяклари йўқ, яхши қовурилади. Шиллиғи кўп бўлганидан уни тозалаш қийин. Шунинг учун илонбошни аввал қумга булаш, сўнгра тозалаш керак. Яна бир йўли — балиқни бўйнидан кесиб, иссиқ сувда ювиш керак. Ўшанда терисини тангачалари билан бирга сидириб олиш мумкин. Бу ўринда ундан қилинган шўрва хушбўй ва лаззатли бўлишини таъкидлаш керак.

М. МАХМУТОВ,
«Ўзбекрибвод»нинг оммавий-тушунтириш ишлари секцияси раиси.

ОБ-ҲАВО

31 ОКТЯБРДАН — 6 НОЯБРГАЧА

Келгуси ҳафтанинг биринчи ярмида ҳавонинг булутли бўлиб туриши, айрим ерларда ёмғир ёғиши кутилади. Кечаси 5—10 даража атрофида иссиқ бўлади. Кундузи эса айрим жойларда ёмғир ёғиши туфайли ҳаво ҳарорати 7—22 даражадан 8—13 даражагача пасайиши мумкин.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида ёғингарчилик тўхтайди. Об-ҳаво шароитлари Ўрта Осиёга совуқ оқимнинг кириб келишига боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан ҳарорат кечаси 1—6, кундузи 10—15 даражагача аста-секин пасаяди. Республика шимолида кечаси 0,5 даражагача совуқ, кундузи 6—11 даражагача иссиқ бўлиши кутилади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ДУШАНБА

1 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия лар («Ўзбекфильм»).
11.50 «Лайлак ҳақида эртак». Мультфильм.
12.00 «Рус сувенири» ансамблининг концерти. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар.
16.20 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
17.05 «Бугунги Жазоир». Кинопрограмма.
17.35 «Эль-Гарнатия» ёшлар музикали ансамблининг концерти (Жазоир).
18.05 Бадиий гимнастика бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
18.50 «Сиз яратган боғ».
19.20 Мультфильм.
19.35 Футбол шарҳи.
20.05 «Ўренгой-Ужгород газ қувури». «Трассани Фёдор Бурковский бошқармоқда».
20.20 «Бу ерда биз яшаймиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 П. И. Чайковский. «Моланта». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан ва техника». Киножурнал. 19.00 Велоспорт бўйича СССР кубоги. Трекда пойгалар. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Мен— говвос-2». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қора товуқ». Болалар учун мультфильм.
18.30 «Болалик — бу камалаклар бўёғи» (рус.).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қўйловчи декорациялар». Самарқанд опера ва балет театрининг рассомлари О. Алиева ҳамда Д. Сафоев ижоди ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Д. Жабборова ва Б. Холхўжаев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 Телевидение экранида биринчи марта «Уша ерда, уфқ ортида». Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. — 13636.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма ҳонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64543.

А. 1150.